

---

## **Бешариқ туманида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга қаратилган семинар ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси котибият мудири Нодирбек Дўсматов бошчилигидаги Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг ҳоким ўринбосарлари- Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиқлари, ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комила Кавлонова иштирокида Республика миқиёсида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ҳунармандчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Семинар иштирокчиларига туман ҳокими Расулжон Жўраев ва туман ҳокими ўринборсари-Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Гулчехра Юлдашева томонидан туманимиздаги Абдураззоқ ота, Рапқон, Янгиқўрғон ва Тошариқ маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудида жойлашган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш марказларининг фаолияти, янги инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этилиши, хотин-қизлар учун ташкил этилган янги иш ўринлари билан таништирилди.

2023-06-08 10:17:58